



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
2-сон



**МУНДАРИЖА :**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Фарход Ҳамидович Набиев</b> Порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва тараққийга таъсири	5
<b>Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов</b> Темурийлар даври нақшбандия тарихати вакили Хожа Алоуддин Аттор ўғитлари ва унинг фалсафий моҳияти	10
<b>Ҳасан Абдусаитович Рахимов</b> Меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари	15
<b>Bekniyoz Baxtiyor o'g'li Suvonov</b> Ho'jalik yurituvchi subyektlarda menhat sarfining iqtisodiy mohiyati va uning o'ziga xos xususiyatlari	18
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Фароғат Болтаевна Шакирова</b> Инновацион иқтисодиётга трансформациялашув жараёнида айрим муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аҳамияти	23
<b>Азамат Абдукаримович Касимов</b> Саноат ривожланишини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
<b>Тухта Даминович Маматкулов</b> Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамлаштиришда саноат 4.0 нинг аҳамияти	33
<b>Dilafuz Saidbaxromovna Saidaxmedova</b> Tadbirkorlik subyektlarining raqamli kompetensiyasini oshirish imkoniyatlari	39
<b>Шаҳноза Сууюновна Рузиева</b> Сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги самараси	42
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева</b> Саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари	47
<b>Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов</b> Саноат маҳсулотлари экспортидаги асосий тенденциялар: миллий ва ҳудудий таҳлил	52
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Шодиёр Абдихалилович Султонов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
<b>Анвар Нематович Холиқулов</b> Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис сифати ва маданиятини оширишга эришиш йўллари	62
<b>Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva</b> O'zbekiston temir yo'llari sharoitida vagon parkini aniqlashda qo'shimcha omillarni hisobga olish	65
<b>Асқар Ахрорович Сиддиқов</b> Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларнинг таснифланиши	69

# САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева** – Фарғона политехника институти “Менежмент” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Аннотация:** мақолада саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг услубий жиҳатлари асослаб берилган. Саноат корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг энг самарали ва оқилона стратегияларини танлашнинг аҳамияти ёритиб берилган. Саноат корхоналарининг инновацион ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишни стратегик бошқарув механизмларидан фойдаланиш асосида амалга ошириш таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** инновация, омиллар, хусусиятлар, инновацион тизим, стратегия, инновацион стратегия, ривожланиш, корхона, стратегик бошқарув, концептуал асослар.

**Кириш.** Саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш стратегиясининг моҳияти тўлиқ фойдаланиш орқали узоқ муддатли истиқболда рақобатдош устунликларни яратишга қаратилган мақсадлар, вазифалар ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуида ифодаланган таркибий ва сифатли ўзгаришлардан иборат. Стратегияни амалга ошириш механизмида саноат корхоналарини комплекс модернизация қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш стратегияси стратегик режалаштириш жараёнида ишлаб чиқилган қоидаларни ўз ичига олган ҳужжат сифатида шакллантирилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш масалалари кўплаб олимларнинг ишларида ёритилган, улар орасида Н.Г.Кондратьев, Э.М.Коротков, Д.И.Кокурин, А.Б.Крутик, Д.С.Львов, В.Т.Мединский, И.З.Мустаев, Н.Н.Османкин, А.П.Плотников, А.Н.Плотников, Б.Санто, А.А.Трифиллов, В.Ю.Тюрин, Р.А.Фатхутдиновларнинг тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, стратегик ривожланиш масалалари Р.Акофф, О.С.Виханский, Р.Ф.Гарифуллин, Р.Грант, Р.С.Греенберг, П.Дойл, Г.Б.Клейнер, Г.Минцберг, А.Стрикленд, А.Томпсон, А.Чандлер каби хорижий олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, таркибий таҳлил, статистик таҳлил, абстракт-мантаний фикрлаш каби усуллар қўлланилган. Мақоланинг услубий асоси сифатида хорижий ва миллий иқтисодчи олимларнинг адабиёт ва мақолалари таҳлил қилинган.

**Таҳлил ва натижалар.** Инновацион-технологик стратегия бошқарув қарорлари самарадорлиги параметрлари бўйича баҳоланади - стратегик технологик ечимлар учун техник, технологик ва инновацион хусусиятлар ҳал қилувчи ҳисобланади [7].

Стратегик режалаштириш, бир томондан, илмий ва амалий фаолиятнинг алоҳида туридир. Бошқа томондан, бу бошқарув объектининг ҳолатини, унинг бозордаги ўрни ва хатти-ҳаракатларини яхшилаш, белгиланган мақсадларга эришиш учун узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар концепцияси, атроф-муҳит омилларини ҳисобга олган ҳолда имкониятларни кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш жараёни [4]. Стратегик режалаштириш концепцияси "ўтмишни экстраполяция қилиш келажакни етарли даражада акс эттирмайди, ўтмишдаги прогнозлардан четга чиқиш ва янги тенденциялар стратегик тузатишларни талаб қилади" деган тахминга асосланади [1].

Стратегия ташкил этиш ва бошқариш, технология, инвестициялар, ишлаб чиқариш, кадрлар, ташқи иқтисодий фаолият ва институционал муҳит каби бўлимларни қамраб

олади.

Стратегияни ишлаб чиқишда бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак, жумладан:

— ресурс (инновацион, илмий-техникавий, технологик, моддий, меҳнат, ахборот ва инвестицион салоҳияти);

— иқтисодий (мамлакатдаги иқтисодий вазият, молия-кредит ва суғурта тизимлари, иқтисодий рағбатлантириш, нарх белгилаш, солиққа тортиш);

— ташкилий (ҳамкорлик ва интеграция, ишни тайёрлаш ва ташкил этиш даражаси, иқтисодий, экологик ва сифат назоратини ташкил этиш, алоқа тизими, режалашпириш ва прогнозлаш тизими);

— институционал (фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, инновацион, илмий-техникавий, инвестициявий, ташқи иқтисодий, ижтимоий сиёсат, қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятлари, мафкуравий таъсир);

— бозор (рақобат даражаси, бозордаги ўрни, истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларининг хусусиятлари, ҳаётий цикл босқичлари);

— инновацион (илмий-техник тараққиёт даражаси, технологик тузилманинг хусусиятлари).

Ҳозирги вақтда омилларнинг охириги икки гуруҳи алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу рақобат даражасининг ортиб бораётгани, у глобал миқёсга айланиб бораётгани билан боғлиқ. Рақобатбардош позицияни мустаҳкамлаш ва миждозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятида инновацион таркибий қисмлардан тобора кўпроқ фойдаланмоқда. Бундай вазиятда стратегияда акс эттирилиши керак бўлган корхонанинг бозор ўрнини тўғри аниқлаш муҳимдир. Стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш стратегиясининг концептуал таркибий қисмлари (муаллиф ишланмаси)

Ташқи муҳитнинг мураккаблиги ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг куйидаги тамойилларини белгилайди.

Умумий тамойиллар:

— илмий характер, стратегияни шакллантириш жараёнида турли илмий тадқиқотлар маълумотлари ва хулосаларидан фойдаланиш;

— ташқи муҳит билан яқин алоқада стратегияни шакллантиришни таъминловчи тизимли ёндашув;

— мақсадлилиқ, аниқ муаммоларни ҳал қилишга ва стратегик ривожланиш мақсадларига эришишга эътибор қаратиш;

— мақсадни белгилаш, таҳлил қилишдан стратегияни амалга оширишгача бўлган стратегик режалаштиришнинг барча қисмларини ҳисобга олишни ўз ичига олган тадқиқотнинг мураккаблиги;

— узлуксизлиги, аллақачон ишлаб чиқилган стратегик ҳужжатлар билан мантиқий алоқадорлиги;

— стратегияни блокларга ажратиш.

Саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг асосий йўналишлари, бизнинг фикримизча: биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ва корхоналарни ривожлантиришни режалаштириш, иккинчидан, инновацион ва технологик ўзаро ҳамкорлик платформаларини яратиш, учинчидан, ривожланишнинг турли йўналишларини режалаштириш.

Саноат корхоналарининг инновацион ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишни стратегик бошқарув механизмларидан фойдаланиш асосида амалга ошириш таклиф этилади. Бунда инновацион ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнларининг тузилиши куйидагича акс этади (2-расм).

Стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш давлат инновацион сиёсати доирасида, уларнинг устувор йўналишлари, параметрлари ва ривожланиш мезонларини белгиловчи корхоналарининг инновацион сиёсати таъсирида амалга оширилади. Корхоналарнинг иқтисодий ҳолати корхоналар ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш кўрсаткичларидан иборат.

Саноат корхоналарини ривожлантириш стратегияси фаолиятнинг моддий-техникавий ва технологик кўрсаткичларини, уларнинг ўсиш суръатларини таҳлил қилишга асосланади. Саноат корхоналарининг технологик ривожланиш даражасини ва инновацион фаолияти самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръати ошса, комплекснинг барқарор ривожланиши амалга оширилади. Саноат корхоналарининг инновацион ривожланишининг ўсиш суръатлари пасайган тақдирда давлат инновацион сиёсатига стратегик мақсадларга эришишга қаратилган тартибга солиш чораларини жорий этиш зарур.


Шуни таъкидлаш керакки, корхоналарни инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ўтган давр маълумотларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади, муқобил чора-тадбирлардан энг самарали ёндашувлар асосида тузатиш ҳаракатини танлаш сценарий ёрдамида амалга оширилади.

Натижада, ўрта муддатли истиқболда кутилаётган ривожланиш стратегияси, давлат инновацион сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолият ва корхоналар даражасида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар билан белгиланади. Қоида тариқасида, корхоналар сиёсати энг барқарор омил ҳисобланади (акс ҳолда ташқи бошқарувни жорий этиш мумкин).

Бошқариб бўлмайдиган ташқи омилларнинг комбинацияси корхонанинг инновацион ривожланишининг ҳолати ва истиқболларига таъсир қилади.

Стратегияни амалга ошириш, режалаштирилган тадбирлардан ташқари, инновацион сиёсатни ўзгартириш ва тартибга солувчи ҳаракатларни амалга ошириш орқали салбий ташқи таъсирни камайтиришни ўз ичига олади. Қисқа муддатда стратегияни амалга ошириш жараёнига ўзгартиришлар киритиш мумкин. Қисқа муддатда стратегияни амалга ошириш жараёни нафақат инновацион сиёсат, балки корхоналар сиёсати билан ҳам белгиланади.

Шундай қилиб, корхоналарнинг ҳолати стратегияни амалга оширувчи давлат



**2-расм – Саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнлари (муаллиф ишланмаси)**

органларининг ҳаракатларига, корхоналар сиёсатига ва экзоген омиллар таъсирига боғлиқ.

Тақдим этилган тузилма инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида асосий муносабатларни белгилайди. Шу билан бирга, стратегияни амалга ошириш прогнози эҳтимоллик хусусиятига эга, чунки бозордаги хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатлари ва таъсирини муғлақ аниқлик билан башорат қилиб бўлмайди. Шаклланган стратегия доирасида турли хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Бошқарув тузилмаларининг вазифаси стратегияни амалга ошириш жараёнида режалаштирилган четланишларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу тузилма саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини изчил кўриб чиқади. Дастлабки босқичда стратегияни ишлаб чиқиш аниқ прогнозлар шакллантирмасдан олдинги ва жорий даврлар маълумотлари асосида амалга оширилади. Саноат корхоналарининг инновацион

ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилади. Стратегияни амалга ошириш жараёнида прогнозлар ва чора-тадбирлар аниқланади. Якуний босқичларда тезкор маълумотлардан фойдаланиш асосида бошқарув қарорлари қабул қилинади, қисқа муддатли режалаштириш ва прогнозлаш амалга оширилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тузилмаси қуйидагиларга имкон беради:

- турли даражадаги бошқарув тузилмаларини стратегик бошқариш;
- алоҳида ташқи иқтисодий фаолият ва корхоналарга нисбатан ресурсларни тақсимлаш;
- стратегияни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган бозор конъюнктураси, имкониятлар ва таҳдидларнинг ўзгаришига қарши чора-тадбирлар мажмуи;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда стратегик таҳлилга методик ёндашувлар;
- стратегик назорат шакллари;
- пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш ва ривожланиш стратегиясини амалга ошириш имконини берадиган янги интеграция тузилмалари, алоқа ва мувофиқлаштирувчи тизимлар.

Стратегияни шакллантириш алгоритми ва тузилмаси шартларини бажариш саноат корхоналарининг инновацион ривожланиши йўналишларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш, шунингдек зарур тузатишлар киритиш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аакер, Д. Стратегическое рыночное управление / Д. Аакер; пер. с англ.; под ред. Ю.Н. Каптуревского. – Санкт-Петербург: Питер, 2002. – 544 с.
2. Баранчев, В.П. Управление инновациями [Текст]: учебник / В. П. Баранчев. – Москва: Юрайт, 2011. – 711 с.
3. Воронкова, А.Э. Стратегическое управление конкурентоспособным потенциалом предприятия: диагностика и организация: монография / А.Э. Воронкова. – Луганск: ВГУ, 2000. – 316 с.
4. Дубровина, Н.А. Методологические аспекты стратегического управления машиностроением / Н.А. Дубровина // Известия Саратовского государственного университета. Серия Экономика. Управление. Право. – 2011. – Т. 11, Вып. 2. – С. 63–67.
5. Радкевич, Л.А. Стратегическое управление инновационной деятельностью предприятия [Текст] / Л.А.Радкевич, С.А.Касперович // Труды БГТУ. 2013. № 7. С. 210–213.
6. Современная модель эффективного бизнеса [Текст] : монография / Ю.А.Безруких, А.В.Губенко, Т. Ю. Ксенофонтова [и др.] ; под общ. ред. С.С.Чернова. – Новосибирск: РНС, 2016. – 198 с.
7. Сухарев, О. Экономика технологического развития / О. Сухарев. – Москва: Финансы и статистика, 2008. – 480 с. – ISBN 978-5- 279-03346-1

<p><b>Н. Юлдашева</b></p> <p><b>Экономические основы реализации инновационной стратегии на промышленных предприятиях</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В статье обоснованы методологические аспекты разработки и реализации стратегии инновационного развития промышленных предприятий. Подчеркнута важность выбора наиболее эффективных и рациональных стратегий инновационного развития промышленных предприятий. Предлагается формировать и реализовывать стратегию инновационного развития промышленных предприятий на основе использования механизмов стратегического управления.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> инновации, факторы, характеристики, инновационная система, стратегия, инновационная стратегия, развитие, предприятие, стратегическое управление, концептуальные основы.</p>	<p><b>N. Yuldasheva</b></p> <p><b>Economic foundations for the implementation of innovative strategy at industrial enterprises</b></p> <p><b>Abstract:</b> Methodological aspects of development and implementation of innovative development strategy in industrial enterprises are justified in the article. The importance of choosing the most effective and rational strategies for the innovative development of industrial enterprises is highlighted. It is proposed to formulate and implement the innovative development strategy of industrial enterprises based on the use of strategic management mechanisms.</p> <p><b>Keywords:</b> innovation, factors, characteristics, innovation system, strategy, innovation strategy, development, enterprise, strategic management, conceptual framework.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023